

Кейс №3

Жасур 22-ёшда. У Самарқанд шаҳрида истиқомад қилади. Яқинда у дўсти Жамшид билан паррандачиликни ривожлантириш мақсадида товук тухумидан инкубатор жўжа очадиган, такомиллашган ускуна ихтиро қилишди. Мазкур бизнес учун Жамшидда қишлоқда 20 сотих ер-жой мавжуд.

Бундан аввал шунга ўхшаш ускуна асосан чет давлатлардан импорт қилинар эди. Лекин Жасур ва Жамшид яратган ускуна электр токини тежаши ва юқори самарадорлиги билан мавжуд ускуналардан ажралиб туради. Ушбу ускуна эҳтиёт қисмларининг айримлари ички бозорда ишлаб чиқарилмаганлиги сабабли хориждан импорт қилинишига тўғри келмоқда. Эндиликда иккала ёш ихтирочилар ўз ишини патентлаб, ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ниятида.

Жасур ва Жамшид ўзлари жамғарган маблағларини тўпладилар, аммо тўпланган маблағ лойиҳаларини молиялаштириш учун етарли бўлмади. Икки дўст бизнес-режа асосида ушбу стартапини амалга ошириш учун қўшимча 600 млн. сўм зарур бўлишини ҳисоблаб чиқишди. Ушбу маблағларни банкдан кредит сифатида олиш масаласини муҳокама қилган ҳолда, иккала дўст ўзларининг кредит олиш имкониятларини баҳоладилар. Кредит таъминоти учун гаровга келганда уларда жами 250 млн.сўмга тенг гаров мулкларини мавжудлигини ўйлаб, банк уларга кредит ажратишига иккиланиб қолдилар.

Яқинда Жасур Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳақида эшитиб қолди. Энди бу икки дўст имкониятлардан фойдаланиб, ўз бизнесини Ёшлар саноат зоналаридан бирида ташкил қилмоқчи.

Саволлар:

1. Нима деб ўйлайсиз, бугунги кунда ёш тадбиркорларга яратилган имкониятлардан келиб чиқиб, улар бу лойиҳани амалга ошира оладими?
2. Жасурнинг лойиҳаси учун кредит **яна** қандай давлат дастурлари асосида молиялаштирилади ва қандай шартларда кредит ажратилади?
3. Кредит бўйича гаров таъминоти тақдим қилишда уларга қандай имтиёзлар мавжуд?

Жавобларингизни асосланг.

Кейс №3

Жасуру 22 года. Он живет в Самарканде. Недавно, он совместно с другом Жамшидом, изобрел модернизированное инкубационное оборудование для выращивания цыплят, с целью развития птицеводства. Для данного проекта у Жамшида имеется 20 соток земли в поселке.

Ранее аналогичное оборудование, в основном, импортировалось из зарубежных стран. Но оборудование, разработанное Жасуром и Жамшидом, отличается от существующего, экономией электроэнергии и высокой эффективностью. Несколько основных частей оборудования приходится импортировать из-за рубежа, поскольку они не производятся на внутреннем рынке. В данный момент оба молодых изобретателя намерены запатентовать разработку и наладить производство.

Для реализации проекта Жасур и Жамшид решили вложить свои сбережения, но собранных средств оказалось недостаточно. В процессе составления бизнес-плана проекта, друзья подсчитали, что для реализации потребуется дополнительно 600 млн. сумов. Обсуждая вопрос получения требуемых денежных средств в качестве кредита в банке, оба друга оценили свои кредитные возможности. Когда дело дошло до обеспечения по кредиту, банк не решился предоставить им кредит, так как общая сумма залога в размере 250 млн. сумов оказалась недостаточной.

Недавно Жасур услышал о Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-5088 от 21.04.2021 года «О мерах по организации деятельности молодежных промышленных и предпринимательских зон, а также поддержке предпринимательских инициатив молодежи». Теперь два друга хотят воспользоваться возможностями и организовать свой бизнес в одной из молодежных промышленных зон.

Вопрос:

1. Как вы думаете, исходя из существующих возможностей, созданных для молодых предпринимателей, смогут ли они реализовать свой проект?
2. На основании **ещё** каких государственных программ и на каких условиях будет выделен и профинансирован кредит на проект Жасура и Жамшида?
3. Какие льготы предоставляются Жасуру и Жамшиду при предоставлении залога по кредиту?

Обоснуйте свои ответы.

Keys №3

Jasur 22-yoshda. U Samarqand shahrida istiqomad qiladi. Yaqinda u do'sti Jamshid bilan parrandachilikni rivojlantirish maqsadida tovuq tuxumidan inkubator jo'ja ochadigan, takomillashgan uskuna ixtiro qilishdi. Mazkur biznes uchun Jamshidda qishloqda 20 sotix yer-joy mavjud.

Bundan avval shunga o'xshash uskuna asosan chet davlatlardan import qilinar edi. Lekin Jasur va Jamshid yaratgan uskuna elektr tokini tejashi va yuqori samaradorligi bilan mavjud uskunalardan ajralib turadi. Ushbu uskuna ehtiyot qismlarining ayrimlari ichki bozorda ishlab chiqarilmaganligi sababli xorijdan import qilinishiga to'g'ri kelmoqda. Endilikda ikkala yosh ixtirochilar o'z ishini patentlab, ishlab chiqarishga tadbir etish niyatida.

Jasur va Jamshid o'zlari jamg'argan mablag'larini to'pladilar, ammo to'plangan mablag' loyihalarini moliyalashtirish uchun yetarli bo'lmadi. Ikki do'st biznes-reja asosida ushbu startapini amalga oshirish uchun qo'shimcha 600 mln. so'm zarur bo'lishini hisoblab chiqishdi. Ushbu mablag'larni bankdan kredit sifatida olish masalasini muhokama qilgan holda, ikkala do'st o'zlarining kredit olish imkoniyatlarini baholadilar. Kredit ta'minoti uchun garovga kelganda ularda jami 250 mln.so'mga teng garov mulklari mavjudligini o'ylab, bank ularga kredit ajratishiga ikkilanib qoldilar.

Yaqinda Jasur O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Yoshlar sanoat va tadbirkorlik zonalari faoliyatini tashkil etish hamda yoshlarning tadbirkorlikka oid tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash chora tadbirlari to'g'risida"gi qarori haqida eshitib qoldi. Endi bu ikki do'st imkoniyatlardan foydalanib, o'z biznesini Yoshlar sanoat zonalaridan birida tashkil qilmoqchi.

Savollar:

1. Nima deb o'ylaysiz, bugungi kunda yosh tadbirkorlarga yaratilgan imkoniyatlardan kelib chiqib, ular bu loyihani amalga oshira oladimi?
2. Jasurning loyihasi uchun kredit **yana** qanday davlat dasturlari asosida moliyalashtiriladi va qanday shartlarda kredit ajratiladi?
3. Kredit bo'yicha garov ta'minoti taqdim qilishda ularga qanday imtiyozlar mavjud?

Javoblaringizni asoslang.